


“Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси педагогика” кафедраси

Мавзу: **Таълим жараёнини
бошқариш муаммолари.**







Режа:

- 1. Таълим ва тараққиёт тушунчалари.
- 2. Психик тараққиётнинг асосий шартлари.
- 3. Таълимнинг асосий шакллари.
- 4. Таълим ва тарбия методлари таснифи.
- 5. Таълимнинг фаол методлари

- Таълим жараёнинин бошқариш -бу шундай йўналтирувчи кучки, у инсонлардаги ижодий потенциал имкониятларини оладиган шароитларини, юзага чиқаришни мақсад қилиб қўяди.



- Ўқув жараёнининг бошқарилиши иккита асосий мақсадни кўзда тутади. Улардан биринчиси, ўқув жараёнини тўғри ташкил эта олиш, иккинчиси эса ўқувчиларнинг шахсий қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришдир.

Ўқув жараёнини бошқаришнинг вазифалари:

- - биринчи вазифаси ташкилий бўлиб, ўқувчиларни таълим ва тарбияси бўйича ижтимоий буюртмаларни қондириш.
- - иккинчиси – бевосита ўқувчини қизиқиш ва талабларини қондиришга йўналтирилган ҳолатдаги ижтимоий вазифаси. Шунингдек бу вазифа ўқувчиларнинг кўтаринкилик, яхши кайфият ва ўқув жараёнидаги ишчанликни юзага келтиришни ҳам ўз ичига олади.

Ўқув жараёнини бошқариш учун қуйидаги таркибий қисмларни эгаллашлари зарур:

- Берилган ўқув топшириқларини ечиш учун воситалар танлаш;
- Топшириқларни ечиш жараёнида ўз – ўзини назорат қилиш;
- Ўзлаштирилган билимлар, малакалар, кўникмалар сифатини баҳолаш;
- Ўқув топшириқларини бажарилганлигини текшириш;
- Ўз олдига мақсад қўя олиш;
- Турли белгилар билан предметнинг ички муносабатларини мувофиқлигини кўра олиш;

Ўқувчининг ўқишга бўлган қизиқишини ривожлантириш учун ўқитувчи қуйидаги қоидаларга таяниши лозим:

- Ўқув жараёнини шундай ташкил этиш лозимки, бунда ўқувчи фаол ҳаракат қила олиши, мустақил изланиши, янги билимларни ўзи кашф этиши ва муаммоли характердаги масалани ечиши учун шароит излаши керак.
- Ўқувчиларга бир хил ўқитиш усуллари ва бир турдаги маълумотларни беришдан қочиш керак;
- Ўргатилаётган фанга нисбатан қизиқишнинг номоён бўлиши учун айнан шу фан ёки билим, ўқувчининг ўзи учун қанчалик аҳамиятли ва муҳим эканлигини билиши керак;
- Янги материал қанчалар ўқувчи томонидан аввал ўзлаштирилган билимлар билан боғлиқ бўлса, у ўқувчи учун шунчалик қизиқарли бўлади.
- Ҳаддан зиёд қийин материал ўқувчида қизиқиш уйғотмайди. Берилаётган билимлар ўқувчининг кучи етадиган даражада бўлиши лозим

Аудиториядаги талабалар фаолиятини жонлантириш учун саволлар

1. Тараққиёт, ўсиш, ривожланиш тушунчаларига ойдинлик киритинг?
- 2. Психик тараққиётнинг соҳаларини ёритинг?
- 3. Психик тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч ва шартлар нималардан иборат?
- 4. Таълим ва тараққиёт жараёнларининг етакчи омилини изоҳланг?
- 5. Фаол методларни қўллашнинг боиси нимадан иборат?

- Таълим ва тараққиёт муаммоси нафақат методологик характерга, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади, чунки бу муаммонинг самарали ечими таълимнинг мазмунини, унинг шакллари ва методларини ҳам белгилаб беради.



Ривожланиш дейилганда одатда ҳодисаларнинг ҳар хил икки категорияси тушунилади, аммо бу категориялар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир:

- 1) миянинг ўз биологик, органик етилиши, унинг анатомик-биологик тузилиш жиҳатидан етилиши;
- 2) психик (ақлий) ривожланишнинг маълум динамик даражалари сифатидаги, ўзига хос ақлий етилиш сифатидаги психик (шу жумладан, ақлий) ривожланиш.

Турли - туман фикр ва мулохазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс куйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

- **1.** Хар бир дарс маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим.
- **2.** Хар бир дарс мустақкам ғоявий - сиёсий йўналишга эга бўлмоғи лозим.
- **3.** Хар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган бўлмоғи лозим.
- **4.** Хар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган ҳолда олиб борилмоғи лозим.

- **5.** Дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмоқ лозим.
- **6.** Ҳар бир дарс Ўқитувчи ва Ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.
- **7.** Дарсда ўқув материалларининг мазмунига оид кўрсатмали куроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.
- **8.** Дарс машғулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан ҳар қайси Ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустақиллигини ошириш ҳисобга олинади.
- **9.** Ҳар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чиқиб, халкимизнинг бой педагогик меросига мурожаат қилиш ва ундан фойдаланмоқ имкониятини изламоқ лозим.



Ўқитишнинг ташкилий шакли - ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда, белгиланган вақт, шароит ва тартибда амалга оширадиган фаолиятининг ташқи кўринишидир.

Ўқитишнинг ташкилий шакллари

Дарс

- - Уй вазифаси
- - Ўқув саёҳат
- - Меҳнат дарслари
- - Амалиёт
- - Қўшимча дарслар
- - Маслаҳат дарслари
- - Семинар
- - Ўқув конференциялари
- - Фан тўғараклари ва ҳ.к.

3. Ўқитиш ташкилий шакллари

Уй вазифаси- синфдан ташқари ўқитиш шакллари ичида доимий шакллардан биридир. Уй вазифаси ўқув режа, дастур, дарсликларга киритилган, шунингдек дарсда ўрганилган билимларни чуқурлаштиришга ёки эсдан чиқармасликка, мустақил билим олишга, муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлади. Янги дарсга ҳам тайёрлайди.

Фан тўғараклари- дарсдан йўналиши мазмуни, метод, ўқитиш вақти билан фарқланади.

Фан тўғараклари ўқувчилар қизиқиш ва қобилиятларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари ўқувчиларда фаолликни ёки берилган топшириққа жиддий ёндашиш каби хислатларни шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек тўғараклар таълимни ҳаёт билан боғлиқ жиҳатларини кўпроқ ёритишга, қаратилган бўлади ва умуман ўқитиш сифатини боришига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқув саёҳат- ўқитишнинг ушбу шакли табиий шароитдаги жараёнлар, ҳодисаларни, нарсаларни ўрганиш, кузатиш имкониятларини беради, ўқув материални мустаҳкамлайди.

Ўқув саёҳат қадимдан қўлланилган дарс шаклидир. Шунинг учун ўқув саёҳат дарсига қўйиладиган талаблар ҳам яхши ишлаб чиқилган. Бунда ўқитувчи объектни белгилайди, объект ҳақида маълумотларни йиғади, саёҳат режасини тузади, моддий техник тайёргарлик кўради, ўқувчиларга саёҳат давомида нималарни кузатиш ва нималарга аҳамият бериш кераклигини тушунтиради, йиғилган маълумотларни ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилади, хулоса чиқарилади,

Семинар -материални умумлаштиришга қаратилади, мустақил маълумотлар билан чиқиш қилишга, баҳслашишга, ўз фикрларини ҳимоя қилишга ўргатади, ўқувчиларни ижтимоий ҳаётда иштирок этишга ўргатади.

Амалиёт- назарий билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш, қобилиятларни, касбга йўналганлигини ривожлантиради.

Тажриба ва тадқиқот ўтказиш малакасини эгаллайди, тажриба қурилмалари ва техникадан фойдаланиш малакасини эгаллайди.

Ўқув конференцияси- ўқувчилар томонидан ўрганилган муайян мавзу ёки бадий асарнинг муҳокамаси бўлиб ўтади.

Конференция аниқ мавзу ва бир нечата йўналишларда ўтказилади.

Ўқитишнинг ташкилий шакллари қуйидаги вазифаларни бажаради:

- билим, кўникма, малакаларни (БКМ) ларни узатиш ва эгаллаш учун;
- - ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш учун;
- - психик жараёнларни ривожланиши учун;
- - ўқувчиларга индивидуал ва дифференциал ёндашиш учун;
- - ўзаро ҳамкорлик қилиш, ахборот, маълумот алмашишга учун мақбул шароитни яратади;
- - ҳар бир шакл бир-бирини тўлдиради.

Ўқитишнинг ташкилий шакллари қуйидаги классификацияга бўлинади:

1. Ўқувчилар сонига қараб:

- индивидуал;
- кичик гуруҳли;
- гуруҳли;
- жамоавий турларига бўлинади.

2. Ўқитиш жойига қараб:

- мактабда (дарс, маслаҳат дарслари, лаборатория хонасида, мактаб устахонасида, мактаб участкаларида ва ҳоказо);
- мактабдан ташқари (уй вазифалари, ўқув саёҳат, ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаш ва ҳоказо) турларга бўлинади.

3. Ўқув машғулотининг давом этиш вақти бўйича:

- 45 дақиқали (классик дарс);
- 80 дақиқали (ўйналган дарс);

Синф – дарс тизими куйидаги хусусиятларга эга:

- ёши ва тайёргарлик даражаси деярли бир хил бўлган доимий ўқувчилар таркибидан иборат бўлади;
- ҳар бир синф қатъий белгиланган йиллик режа, дастур ва дарс жадвали асосида иш олиб боради;
- ўқув жараёни бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирини давом эттирадиган қисмларда амалга оширилади;
- ҳар бир дарс битта ўқув предметига ва битта мавзуга бағишланади;
- дарсни махсус касбий тайёргарликка эга бўлган ўқитувчи олиб боради;
- дарсда ўқувчиларни билиш фаолиятини таъминлаш учун турли шакл, метод ва воситалар қўлланилади.
- ўқув йили, ўқиш куни, дарс жадвали, ўқув таътил, танаффус ҳам синф-дарс тизимининг хусусиятларидир.

Дарс – таълим жараёнининг мазмун, вақт ва ташкилий шакли жиҳатдан тугалланган қисмидир.

- **Дарс** – педагогик жараёнда давлат томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида, махсус тайёрланган ўқитувчининг муайян шароитда ўқувчилар билан олиб борадиган фаолиятидир.

Дарс босқичлари:

- 1) йўналтирувчи
- 2) ўйлантирувчи
- 3) фикрловчи

Умумий талаблар:

- - дарсни ўқитиш жараёнининг қонуниятларини ҳисобга олиб ташкил этиш;
- - дарсда фаннинг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш;
- - дарсда ўқитиш принциплари, қоидаларига амал қилиш;
- - ўқувчиларни қизиқишлари, эҳтиёжлари, қобилиятларини ҳисобга олиш;
- - бошқа предметлар билан алоқасини таъминлаш;
- - педагогик воситалардан унумли фойдаланиш;
- - шахсий тажрибаларига таяниб, ижтимоий ҳаёт ва ишлаб чиқариш билан боғлаш;
- - ўқувчиларнинг билим, кўникма, малакаларни эгаллаши ва ривожланишларини назорат қилиш.

Дидактик талаблар

- - таълимий мақсадни аниқлаш;
- - дарсда бериладиган маълумотлардан унумли фойдаланиш;
- шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олиб дарс мазмунини оптималлаштириш;
- - янги технологияларни қўллаш;
- - турли метод ва воситалардан фойдаланиш;
- Ўқувчиларни индивидуал ишларини жамоавий ишлар билан уйғунлаштириш;
- - дарс тузилишига ижодий ёндашиш;
- - назорат қилиш.

Тарбиявий талаблар:

- - тарбиявий мақсадини белгилаш;
- - умуминсоний фазилатларни шакллантириш;
- - шахсий хислатларни шакллантириш;
- - ўқитувчи ўқувчиларга нисбатан ғамхўр ва меҳрибон бўлиши, уларни ютуқларидан қувониш;
- - ўқувчилар билан муносабатда касбий одоб меъёрларига амал қилиш.

Ривожлантирувчи талаблар

- ўқув фаолиятига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш ва ривожлантириш.
- қизиқишларини, ижодий фаолликларини ва ташаббускорликларини ривожлантириш;
- психологик ўзига хосликларини ўрганиш ва ҳисобга олиш;
- интеллектуал, ижтимоий ривожланиш даражаларини олдиндан кўра олиш.

Дарс турлари:

- **1. Янги мавзунини ўзлаштириш дарси:**
- -дарсни мақсад ва вазифаларини эълон қилиш;
- -янги билимларни баён қилиш, тушунтириш;
- -назарий билимларни қўллаш намунасини кўрсатиш;
- -ўқувчиларни мустақил ишларини ташкил этиш орқали билимларни мустаҳкамлаш;
- -ўқувчиларга уйда, кутубхонада, лаборатория хоналарида бажаришлари учун вазифалар бериш;
- -дарсни якунлаш.

2. БКМларни мустаҳкамлаш дарси:

- дарсни мақсад ва вазифаларини эълон қилиш;
- ўтилган мавзу асосида билимларни мустаҳкамлаш;
- ўқитувчи раҳбарлигида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш учун машқлар бажариш;
- ўқувчиларни бажарган ишларини муҳокама қилиш;
- баҳолаш;
- кейинги мавзунини ўзлаштиришда нималарга аҳамият бериш кераклиги тушунтириш;
- уй вазифасини бериш.



3. Аралаш дарси:

- дарсни мақсад ва вазифаларини эълон қилиш;
- уй вазифасини сўраш, текшириш;
- бajarган ишларни муҳокама қилиш;
- янги мавзунини баён қилиш, тушунтириш;
- мавзунини мустаҳкамлаш;
- уйга вазифа бериш;
- дарсни якунлаш.

4. БКМларни умумлаштириш ва такрорлаш дarsi:

- ўқитувчи томонидан такрорланадиган ва умумлаштириладиган мавзуларни чегарасини белгилаш;
- суҳбат, мунозара орқали умумлаштирувчи мавзуларга доир билимларни эслаш ва такрорлаш;
- ўқувчиларнинг жавобларини таҳлил қилиш, баҳолаш;
- умумлашган қoидани қўллаш намунасини кўрсатиш;
- кейинги бoб, бўлимлардаги янги билимларни ўзлаштиришга кўрсатма бериш;
- дарсни якунлаш.



5. Назорат дарслари:

Кириш:

-ўқитувчи назорат дарсини мақсад ва вазифаларини тушунтириш орқали ўқувчиларни назорат ишига психологик тайёрлайди

Асосий қисм: ўқувчиларни мустақил равишда вазифаларни бажаради;

Хулоса қисми:

-ўтказилган назорат дарсининг кейинги мавзуларни ўзлаштиришдаги аҳамиятини тушунтириш.




Дарс қоидалари:

- 1.Вақтида келиш
- 2.Машғулот бўйича ишлаш
3. Кўрсатмаларни бузмаслик
- 4.Ҳар бир тингловчининг фикри муҳим.
5. Бошқаларни фикрларини ҳурмат қилиш
6. Гапираётган одамга қулоқ солиш
- 7.Бир-бири билан гаплашиб ўтириш ҳурматсизлик ва маданиятсизликдир.
- 8.тушунмовчиликлар бўлса саволлар беринг.
9. Жавоб берилмайдиган савол йўқ.



Дарснинг режа-конспекти:

- сана (ой, кун, йил);
- дарс ўтказиладиган синф;
- дарс мавзусининг номи;
- дарснинг типи;
- методи, воситалари, назорат турлари;
- таълимий мақсади;
- шакллантириладиган билим, кўникмалар;
- тарбиявий мақсади;
- ривожлантирувчи мақсади;
- дарснинг мазмуни;
- дарсда бажариладиган ишларнинг вақтга нисбатан тақсимооти;
- дарсда бажариладиган топшириқлар, мустақил ишлар ва ҳ.к.
- уй вазифаси, топшириқлар.



Этиборингиз
учун
раҳмат